

ISSN: 2687-01

# ИНТЕРНАУКА

НАУЧНЫЙ

ЖУРНАЛ

ЧАСТЬ 3

22(15)



## ИТЛАРНИНГ ОТИТ КАСАЛЛИГИНИ ЭТИОЛОГИЯСИ ВА КЕЧИШИ

*Юлдашева Мадина Кахрамоновна*  
ассистент, Самарканд Ветеринария Медицинаси  
Институтини, Ўзбекистон, Самарканд

*Юлчиев Жасурбек Баходирович*  
ассистент, PhD, Самарканд Ветеринария Медицинаси  
Институтини, Ўзбекистон, Самарканд

### АННОТАЦИЯ

Мақолада итларнинг отит касаллигининг келиб чиқиш сабаблари, ривожлантирувчи омиллари ва ташхис қўйишнинг асосий усуллари, ушбу патологияни даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** хирургия, ит, отит, келиб чиқиш сабаблари, клиник белгилари, даволаш.

Ҳозирги кунда ветеринария амалиётида отит касаллигига эътибор қаратилмаган, лекин буни олди олинмаса, жиддий асоратлар вужудга келиб, ҳайвонни ўлимга сабаб бўлиши мумкин. Уй ҳайвонлари хусусан итлар бу касалликдан кўп азият чекишади, шунингдек, қулоқ касаллиги билан оғриқлар ва оғир ноқулайликларни бошдан кечиришади. Ит ва мушукларда отит касаллиги бошқа ҳайвон турларига нисбатан 5 марта кўп тарқалган. Шунинг учун отит касаллигини келиб чиқиши ва ривожланишини ўрганиш, касалликнинг аниқ ташхиси ва ажратма ташхиси, даволаш тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот олиб бориш ҳозирги кунда ветеринария ва кинология соҳасидаги долзарб муаммолардан биридир.

Текширувлар Самарканд ветеринария медицинаси институтини “Ветеринария жарроҳлиги ва акушерлик” кафедраси қошидаги клиникада ўтказилди. Бунда клиникага ўтган 2019 йил давомида жами қабул қилинган касал итлардан отит касаллиги билан касалланган итлар ажратиб олинди. Отит касаллиги билан касалланган итлар эгаларидан йиғилган анамнез маълумотлари, клиник белгилари таҳлил этилиб, касалликни келиб чиқиши, ривожланиши аниқланди. Даволаш учун 3% ли водород пероксид эритмаси, сафродекс, дроплекс қулоқ томчилари, гентамицин, цефазолин антибиотиклари ва синтомицин малҳамлари қўлланилди.

Самарканд Ветеринария Медицинаси институтини «Ветеринария жарроҳлиги ва акушерлик» кафедрасининг клиникасига жорий 2019 йилда даврида келтирилган 1,5 ойдан 8 ёшгача бўлган турли касалликлар билан касалланган жами 720 бош итлар орасидан отит билан касалланган итларнинг сони – 12% (86 бош) ни ташкил этган эди.

Касалликни мавсумийлигини кузатилиши натижасида куйидагилар аниқланди: итларга касалликка мавсумийлик хос бўлиб, касалликнинг рўйхатга олиниши асосан баҳор, ёз ва куз мавсумларида 60,7% гача (52 бош итларда), киш мавсумида эса 8% (7 бош) итда учраган эди айниқса кўп касаллик учраган вақт куйиқиш даврида бўлди – 31,3% (27 бош итларда).

Бундан ташқари тадқиқотлар давомида касалликнинг ит зотларига нисбатан касалликнинг кечиш даражаси ҳам аниқланиб, натижасида отит касаллигига мамлакатимизда кенг тарқалган ит зотлари - шарпей, Ўрта Осиё овчаркалари ва спаниэл каби ит зотларининг ўта мойил бўлиши аниқланди. Тадқиқот давомида отит билан касалланган 31 бош (36,4%) итлар ушбу зотга мансуб эканлиги қайд этилди.



*1 расм. Кулоқ каналари томонидан чақириладиган отит*

Йиғилган анамнез маълумотларини таҳлили бўйича Самарқанд шаҳри аҳолисига қарашли итлар ўртасида отит касаллигининг келиб чиқишининг асосий этиологик сабаблари сифатида куйидагиларни аниқланди:

1. Итларнинг қулоғига сув кириши натижасида – 12 бош (13,9%); Кулоқдаги суюқликнинг турғунлиги патогенларнинг тарқалишига ёрдам беради. Кулоқнинг яллиғланишига олиб келади. Ёқимсиз хид, кулоқда бўғиқ товуш, вестибуляр аппаратнинг бузилиши, бошнинг оғиши, кичиши кузатилади.

2. Отодектоз (*Otodectes cynotis*) каналари билан зарарланиши натижасида - 24 бош (27,9%); Ушбу кана кулоқ супрасининг терисини ички юзасида паразитлик қилиб ва бу кучли яллиғланишни келтириб чиқаради. Отодектоз билан зарраланган ит қаттиқ кичишишни бошдан кечиради, кулоқ қобик билан қопланган ва терининг юзаси яраланган. Одатда бундай итлар бошқа итлар билан алоқа қилиш орқали юқади.

3. Жароҳатлар (кулоқга қўноқ ўсимлиги бошоғининг кириши, қуйиқиш ва ит жанги ўйинлари) натижасида отит касаллиги 27 бош - 31,3%; Жароҳатларда, ўсимликларнинг киришида, зарбаларда, тишлаганда, очик жароҳатлар – ҳар қандай механик жароҳатлар туфайли пайдо бўлади. Белгилари: оғриқ, қизариш, кулоқ ҳароратининг кўтарилиши кузатилади. Яллиғланиш ташқи эшитиш канали (масалан, ўсимлик уруғининг кириб қолиши туфайли) ёки ўрта кулоқнинг зарарланишига олиб келадиган шароитлардан келиб чиқиши мумкин.

4. Ташқи эшитув каналидаги патологик ўзгаришлар (пролифератив ўзгаришлар, кулоқ тоғайининг калцийланиши) натижасида - 5 бош (5,8%); Ҳар қандай ҳолатда ҳам, узок вақт ташқи отитда, кулоқ каналида сурункали ўзгаришлар келтириб чиқаради, тери қалинлашиши, кулоқ канали торайиши туфайли канал ичига намликнинг кўпайиши экссудат секрецияси ошиши кузатилади. Ташқи отитнинг узок муддатли ҳолатларида тоғайининг деформацияси билан бирга кулоқ каналининг калцийланиши (оссификацияси) содир бўлади. Бундай вазиятда, шунингдек, катта ҳажмли шаклларни аниқлашда кулоқ тўқимасини тўлиқ жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш амалга оширилади, чунки консерватив даволаш муваффақиятли бўлмайди.

5. Торайган эшитиш канали (кулоқларда туғма аномалия ёки сурункали яллиғланиш жараёнлари туфайли) натижасида - 5 бош (5,8%); Бундай зотли итлар қулоғида ҳаво алмашинишнинг ёмонланиши натижасида патоген микрофлоранинг тез ривожланишига ёрдам беради. Тоғай ва тери бурмаларининг ўсиши. Бу хусусият айрим зотли итлар учун хос, масалан, шарпейда. Эшитув каналидаги бурмалар ҳажмининг ҳаддан ташқари ортиб кетиши натижасида унда газ алмашинуви бузилади. Анатомик (туғма ёки нотўғри кулоқни кесиши туфайли эшитиш каналининг торайишида ҳам яллиғланиш келиб чиқади. Зотига қараб мойиллиги кўпинча шарқий-европа авчарка итлар, кокерлар, пуделлар. Асосан авчарка итларда эшитиш каналининг кенг очик бўлиши, чанг ва бактериялар осонлик кириши мумкин.

6. Кулоқни қўпол тозалаш ва (кулоқ каналидан соч ёки жунни) олиб ташлаш натижасида - 6 бош (7%); Нотўғри даволанган сурункали отит натижаси кулоқнинг тешилиши (ёрилиши) бўлиши мумкин. Натижада йиринг қулоқда тўпланади, ички кулоққа қиради ва миянинг қобигига етиб боради. Оқибатида менингит ривожланиши билан ит нобуд бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда, ит эшитиш тизими пасайиши, унинг тўлиқ йўқолишига олиб келади. Бундан ташқари, сурункали отит

асоратлари ўсмалар, кулоқ терисининг гиперплазияси (ўсиши) бўлиши мумкин. Ушбу асоратларни даволаш тезкорлик билан амалга ошириш даққор. Хайвонга саводсиз даволаш олиб борганда эшитиш тизимини мутлоқ йўқолишига олиб келиши ва мия ишида ҳам жиддий зарар етказишига олиб келади. Кўпол кулоқ тозалаш ва кулоқ каналисида сочи кўпол олиб ташлаш, Пакта чиганоклари билан тозалаш ялангланлигини оширади ва олтинугурт кўпайишига олиб келади.

7. Нотўғри антисептиклар ва антибиотикларни қўллаш (присыпка) контакт дерматит, контакт аллергияси, механик тирнаш натижаеида келиб чиққан отит касаллиги - 8 бош (9,3%). Аллергик реакцияларда олтинугурт кўпайиши маҳаллий иммунитетни пасайишига олиб келади ва отитга сабаб бўлади. Қизариш, тошма тошиш, бош чайкаш аломатлари кузатилади. Енгил ҳолатларда кулоқнинг ички томонида ва ташқи кулоқ каналининг вертикал қисмида қизариш бўлиши мумкин.



2 расм.  
Йирингли отит

Касалликнинг клиник белгиларини кузатиш натижасида қуйидагиларга эътибор берилди: касал хайвонларда оғриган кулоқ томонига бош оғиши, юз нерв фалажи, кератоконъюнктивит, лимфа тугунларнинг шишиши, Горнер синдроми кузатилди.

Неврологик бузилишларнинг даражаси касалликнинг оғирлигига, ўрта (юз нерви ва симпатик занжир) ва ички кулоқ (вестибуляр аппарат ва эшитиш рецепторлари), ҳамда тегишли тузилмаларнинг шикастланишига боғлиқ. Тадқиқотлар давомида 3 бош (3,5%) итларда

Ўрта Осиё овчаркаси зотли итларда еттинчи бош мия нервининг вестибуляр қисми кўзгалиши натижасида бошнинг айланиши кузатилди.

Отит касаллигига диагноз аниқлангандан сўнг даволаш тадбирлари ўтказилди. Йирингли отит билан касалланган итларни консерватив усул билан даволашда қуйидаги даволаш ишлари олиб борилди: ташқи ва ўрта кулоқ 3%ли водород пероксиди эритмаси билан ювилиб, сафродекс ва дроплексе кулоқ томчилари 2-3 томчи микдори кунига 2 маҳал томизилди. Антибиотиклардан 40% гентамицин 4 млдан ёки цефазолин 5 кун давомида 2 млн таъсир бирлиги микдориде юборилди. Малҳамлардан синтомицин малҳами 5-10 кун давомида кулоқ ташқи йўллари ва супрасига суртиш қўлланилди. Умумий даволаш курси 10 кун давом этди. Тажириба давомида касал итлардан 2 бош Ўрта Осиё овчаркаси ва 1 бош шарпей зотли кучли жароҳатланиш натижасида ривожланган йирингли отит ва энцефалит натижасида ўлим кузатилди.

Касалликни профилактикаси сифатида касалликнинг келиб чиқиб сабабларига йул қўймаслик ва мавжуд бўлганларини бартараф этиш тавсия этилди. Айрим зотли итларда (спаниэл ва овчи итлар) ов мавсумида ҳар доим итларнинг кулоқ ичларини мунтазам равишда назорат қилиш, сув ва бегона жиемларнинг кириб қолишини олдини олиш тавсия этилади.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. “Ит жаррохлик касалликларининг назарий ва амалий асослари ” Б.Д.Нарзиев Самарканд-2010 йил.
2. “Қулок, томоқ ва бурун касалликлари ”М.С.Юсупова, Назарова, С.С.Шанмова Сам.ТМИ Тош-2017 йил.
3. Aliev A.A., Medova E.V., Soch-nev V.V. Rol' i mesto naibolee rasprostranennykh zaraznykh bolezney v formirovaniy ob-shechey patologii sobak na gorodskoy territorii // Mater. mezhd. simpoz.: «Strategiya razvitiya sel'skogo i lesnogo khozyaystva, sfery uslug v RF i v mire». — N.-Novgorod, 2004. — S. 320-323.
4. Белов М.В., Стекольников А.А. Новый комплексный послеоперационный метод лечения хронических гнойных отитов у собак. // Материалы 55-й научной конференции молодых ученых и студентов. / СПбГАВМ. СПб, 2001. - с.7-9.